



ТЕЛЕНОВЕЛЛАЛАР



НИМА БЕРАДИ?

ёхуд “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи”нинг “болалари”

Бугун томошабинлар телевизорда кўпроқ нималарни кўришяпти? Бу савол ижодкорларни қизиқтиради. Ижтимоий тармоқлардаги таҳлилларга асосан улар кўпроқ теленовеллалар ва сериаллар томоша қилишади. Шунга мувофиқ телеканалларда мухлислар истаги инobatга олинади. Масалан, “Ўзбекистон” телеканалида “Кунларнинг бирида”, “Тошкент”да “Ҳикматли дунё”, “Маҳалла”да “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” ва “Умр сўқмоқлари”, шунингдек, хусусий телеканаллардан “Менинг юртим 5”да “Буни ҳаёт дейдилар”, “Севимли”да “Тақдирлар”, “Миллий”да “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” ва “Иқрор” номли новеллалар намоёни этилади. Айримларида саҳналаштирилган ҳажвий дастурлар ўрин олган. Ҳар бирининг ўз томошабини бор.

(Давоми 6-саҳифада)

МАТБУОТГА “ҚОН” КЕРАК

Давлат бюджетидан олтмиш миллиардни талон тарош қилган туман ҳокимларидан бирига тайинли жазо берилмагани унга ўхшаганларга шундай қилмишларни содир қилавериши учун йўл очиб беради. Бу қабилар қаттиқ сўров қилинмаслиги жамиятда ишончсизликни пайдо қилади. Одамлар давлатга ишонмай қўяди.

(Давоми 2-саҳифада)

ИНСОН ҚАДРИГА ТАЖОВУЗ

Одам савдоси жинояти аксарият ҳолларда алдов усули билан амалга оширилмоқда. Шу сабабли тегишли вазирлик, идора, ташкилотлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари мамлакатимиз фуқароларинг одам савдоси қурбонига айланишининг олдини олиш мақсадида меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда аҳолининг ушбу соҳадаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, содир этилган жиноятларнинг сабабларини ва уларнинг оқибатларини фуқароларга етказиб турилишини таъминлаши лозим.



(Давоми 3-саҳифада)



БОКУДАН БОКУГАЧА

...Бокуга бир неча марта борганман. Охириги марта қачон борганимни эсладим. 1988 йил май ойи экан. Ўттиз беш йил бўлибди.

Самолёт белгиланган жойда тўхтади. Эшик очилиб, аэропорт биносига борадиган йўлакка кирдик. (Тошкентга қайтаётганда ҳам аэропорт биносидан тўғри самолётга чикдик). Аслида бугунги кунда бу жуда катта янгилик эмас, ривожланган давлатлар аэропортларида бундай усул ишга тушганига анча бўлди. (Баъзи аэропортларда ҳамон самолётга ва самолётдан тушиб, махсус автобусларда аэропорт биносига борилади). Аэропортга кириб ҳайратланганимни яширолмайман. Замонавий аэропортда эскалаторлар, лифтлар ишлаб турибди. Хизмат кўрсатиш олий даражада. Паспорт назорат пунктидаги йигирмага яқин кабиналарда ходимлар йўловчиларни хушмуомила билан кутиб, хизмат кўрсатмоқда. Ҳайдар Алиев номидаги бу халқаро

аэропорт мустақиллик йилларида бунёд этилган экан.

Аэропорт худудига кирган автомобил пул тўлайди. (Бизда ҳам шундай). Бунинг учун бир неча мосламалар қўйилган. Ҳайдовчи ўша аппаратга пул киритиб, чек олади-да, кейинги худудга ўтади, у ердаги аппаратга чекини текизади (машинадан тушмайди), йўлни тўсиб турган ғов кўтарилади. Инсон омили йўқ, ҳаммаси рақамлаштирилган. Шаҳарга элтадиган йўл тўрт қаторли (шаҳардан келадигани ҳам), ҳар бир қаторнинг тепасида неча километр тезликда юриш мумкинлиги ёзилган: ўнг томондаги биринчи қаторга 70, кейингисига 80, қолган иккитасига 90 ёзилган. Ҳайдовчилар шунга қараб йўл танлайди.

Аэропорт худудидан чиқиб, шаҳар сари йўлга тушганимизда

соат тонги 3.30 (Тошкент вақти билан 4.30) эди. Шаҳаргача ярим соатдан сал кўпроқ юрилади.

Тонг ёришмаган, аммо шаҳар кундуздай чароғон. Ўнгда, сўлда бир-биридан гўзал, салобатли, осмонўпар, пурвиқор бинолар. Отелга боргунча атрофга ҳавасла қарайман, бири иккинчисига ўхшамаган биноларни суратга олишга ҳаракат қиламан. Айни чоғда машинани эпчиллик билан бошқариб бораётган Радикдан уяламан: “Шунча ёшга кирган бу одам умрида бунақа биноларни кўрмаганмикин?” деб ўйламайдими. Шукурлар бўлсин, булар каби, булардан-да баланд, чиройли биноларни кўп кўрганман. Бундай ҳайратомуз биноларни Бокуда кўриш ҳам қувонарли, ҳам ҳайратланарли. Чунки совет давридаги Бокуни ҳам кўрганман. У кўз ўнгимда. Бугун ўша Бокуга эмас, мутлақо бошқа шаҳарга келиб қолгандай бўлдим. Илгари аксарият

кўчалар тор, баланд-паст, баъзиларига тош ётқизилган эди. Коммуникация тизими яхши эмасди. Бугунги Боку дунёнинг манамаман деган шаҳарларидан қолишмайди. Бир қарасанг Дубайни, бошқа томондан Женевами, ишқилиб қайсидир Европа шаҳарини эслатади. Бир неча йўл ўтказувчи тунеллар, кўприклар қурилган.

Бокуда эътиборимни тортган нарса — бир-бирига ўхшаш, яъни, “эги-зак” бинолар айтарли йўқ, ҳар бир бионинг, у турар-жойми, маъмурий биноми, архитектураси ўзига хос, такрорланмас. Бундай услубни Анқарада кўрган эдим. Тошкент ситида кузатиш мумкин. Эски иморатлар билан янги бунёд этилган биноларнинг ўзаро уйғунлиги таъминланган, уларнинг ташқи кўриниши умумий ансамблга мослаштирилган. Архитекторларнинг дидига, маҳоратига тасанно.

(Давоми 4-саҳифада)

(Боши 1-саҳифада)

Бировнинг чўнтагига кириб кетган, нафс ўпкониға ғарқ бўлган шу маблағ, тўғри ишлатилганда қанчадан қанча фойдали ишларни амалга оширса бўларди. Масалан, бу пулга йигирмадан ортиқ юпун оилага уй жой қилиб бериш мумкин эди ёхуд тадбиркорлик қиламан, ўзимни ҳам, ўзимга ўхшаганларни ҳам иш билан таъминлайман, деган ёш тадбиркорга дастак бўларди бу маблағ. Ёки бугунги кунда ўлик бўлиб ўликмас, тирик бўлиб тирикмас ўнлаб газета ва журнални камида бир йил чиқаришга, шу орқали маърифат улашишга хизмат қилган бўларди шу пул.

Аслида маърифат, зиё бўлмагани учун мана шу каби ўғирликлар содир бўлади. Оқ қорани таниган, ҳалол ва ҳаромни фарқиға борадиган одам бундай қабих ишларга қўл урмайди. Қўл уриш у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлашдан ҳам ҳаё қилади. Китоб ўқишга қаратилаётган бугунги эътибор газета ва журналлар тарғиботиға ҳам қаратилганда эди, сизу биз ижтимоий тармоқларда кўриб, кузатиб бораётган ваҳшийликлар, зўравонлигу ахлоқсизликлар, бачканалигу саводсизлик юз фоиз бўлмаса ҳам эллик фоизга камайган бўларди.

Шу газетадан гапирма, бугун интернет замони, ҳеч ким газета ўқимайди, деб оғизга урадиганларга бошидан айтиб қўя қолай: жамиятда урчиб бораётган саводсизликка, эркинлик деб оғизга тўғри келадиганини гапиришларига сиздайлар сабабчи. Босма нашрларда ишлайдиганлар яхши билади, биргина мақола тайёрлаш учун баъзан ҳафталар камлик қилади. Айниқса, ноҳақ жабр кўрган бир одамни оклаш, унинг тақдиридаги чигалликни ечиш учун журналист қанчалар изланади, изтироб чекади. Ахир, мақола ортида бир инсон қисмати туради. У ҳақда билиб ёзиш эса асл газетчининг, шу соҳада сочи оқариб, хафақон касаллигини ортирган мухбирнинг навбатдаги виждон сарҳисоби саналади.

Газетани ким ўқийди, уларда ўқишга аризулик нарса борми ўзи, дейдиганлар яқин ўртада ёки умуман матбуотни кузатмаганлардир. Кўзи кўр одам ҳам бугунги нашрларда долзарб, таҳлилий-танқидий мақолалар бериб борилаётганлигини билиб турибди. Аммо таассуф шундаки, нишонга олинган ҳудуд ёки бирор ташкилотга танқидий мақола юборилса ҳам жавоб йўқ. Аксарият раҳбарларнинг ақидаси шу: интернетга (ижтимоий тармоққа) чиқмасак бўлди. Ваҳоланки, бошқа идора ва ташкилотларнинг панжаралардан иборат даргоҳига киролмаган одамлар умид ва ишонч билан таҳририятлар эшигини қоқади, дардини айтади. Унинг муаммосига дарддош ва елкадош бўлган таҳририят катта бир мақола эълон қилади, бироқ бирор кимса нима қиляпсан, демайди. Матбуотга нисбатан лоқайдлик шу даражадаки, газета ва журналлар ўша ерда ишлайдиганлардан бошқага керак бўлмай қолгандек. Кенгрок қаралса, битта газета ёки журналнинг аҳамияти бутун

бир авлодни тарбияладиган мактабдан, аудиторияси катта телеканаллардан ҳам устун туради.

Бугун ёши ўттиз ва ундан ошган авлод яхши эслайди: олис қишлоқларга ҳам ўнлаб номдаги газета ва журналлар етиб борарди. Қишлоқ одамлари дала юмушларини бажараётди, албатта “Шарқ юлдузи”да босилган бирор асардан гапирарди. Ғийбат ёки фасоднинг ўрнига, “Муштум”да уриб чиқилган раҳбарларни муҳокама қиларди. Газеталарда босилган, дадиллик билан ёритилган мавзуларни тилга оларди. Худди ўша авлод вакиллари ўнлаб шеърларни ёддан ўқийди, таниқли олимларни номма



ном айтиб бера олади, хат ёзса хатосиз ёзади. Тушунмадимни чунмадим, осонни онсон, қилингни клин деб ёзадиган бугуннинг чаладан ҳам чаласаводлари қаердан пайдо бўлди? Мактабларда газета ва журнал йўқ, бой кутубхона бор, ўқийдиган мардум йўқ. Адабиёт ўқитувчиси билан гаплашсанг Ўткир Ҳошимов билан Эркин Воҳидовни ажратолмайди, қаттиқ сўрасанг ҳа эшитганман Ўткир Воҳидов шоир, Эркин Ҳошимов ёзувчи дейди безрайиб. Бундайлардан хафа бўлишнинг кераги йўқ, чунки уларнинг бори шу, бўлгани шу. Уларнинг қўлида сабоқ олаётганлар эса эртага ким бўлади, ўйлаб кўрқиб кетасан, киши.

Камбағаллик айб эмас, етишмовчилик фожиа саналмайди, аммо саводсизлик миллат кушандасидир. Шунинг учун ҳам жадидларимиз халқни саводли қилишни энг олий муддао деб билишган, бу борада ўз ҳаловатларидан воз кечишган.

Бугун бизга ана шундай жадидлар, маърифатпарварлар жуда-жуда зарур. Надоматки, бугун биз билан ҳамнафас айрим адибу зиёлиларимиз ҳам лоқайд ёки журъатсиз. Даврасида ўтириб қолсанг, куюниб гапиради, юртнинг келажаги ҳақида қайғуради. Уни эшита туриб, қанийди шулар давлат раҳбарининг ёнида туриб, халқ тақдирига дахлдор муаммоларни билдирса, айтса деб умид қиласан. Аммо у минбарга чиққан куни бошқа қиёфага кради. Давлат етакчиси нима муаммолар бор деб сўраса, ҳаммаёқ гуллаб яшнамоқда, дейди, лоф уради. Бир оёғи гўрда бўлса ҳам шу тариқа нимадандир умидвор бўлади. Унинг гапларини эшитиб ҳафсаланг пир бўлади. Кейин бу гаплар раҳбарга қандай таъсир қилди экан, деб табиатан одил инсон, маддоҳларни ёқтирмайдиган етакчининг юз-кўзига тикиласан: у бу гапларнинг ярми-

га ишонмасаям, кулиб туради. Ахир, одамнинг юзи иссиқда...

Гап миллат саводхонлиги, уни газета ва журнал, китобхонликка чорлов ҳақида экан, бу борада нима қилсак, наф кўрамиз? Аввало, турдош, фақат муассиснинг чизигидан чиқмайдиган, унинг ҳечкимга керак бўлмаган ҳисоботларини чоп этишга хизмат қиладиган нашрларни тўхта-тиш керак. Бу борада балки муштарийлар орасида ижтимоий сўров ўтказиш маъқул бўлар. Негаки, бундай сўровнома мажбурий обунага қарши холис курашчи бўлиб хизмат қилади. Одамлар ўзи истаган нашрга обуна бўлсагина матбуотга қон қиради.

МАТБУОТГА “ҚОН” КЕРАК

Очиғи, айрим партияларнинг газетасини очиб қарагинг ҳам келмайди. Шунингдек кўплаб вазирлик ва идораларнинг ҳам нашрларини ўйлаб кўриш керак. Ҳатто раҳбарларнинг ўзлари ҳам ўқиб кўрмайдиган узундан узун ҳисоботларни ўзлари хўжайин бўлган нашрларда чоп этириш анъанаси отам тугул, бобом замонида ҳам ҳазм қилинмаган.

Номи туман микёсида бўлса ҳам республикани қамраб оладиган “Жомбой тонги”, “Чағониён”, “Ургут садоси” каби газеталарнинг иш услубларини ўрганган ҳолда, учта тўртта туман нашрларини бирлаштириш ва обуна масаласида тарғибот ишларини кучайтириш ҳам яхши натижа беради, деб ўйлаймиз.

Аудияториси катта, реклама орқали даромад топишда устуворликка эга давлат телеканаллари ҳар йили бюджетдан катта маблағ олади. Обуна масаласи Орол муаммосидек ечими бўлмаган босма нашрлар ҳам худди шу каби ҳар йили молиялаштирилса, шу йўл орқали юртимиздаги ҳар бир мактаб, лицей, техникум, маҳалла, институт ва университетлар газета ва журналлар билан таъминланса фақат эзгуликка хизмат қилади.

Японлар эрталаб нонушта дастурхонида егулик бўлмаса хафа бўлишмас экан, аммо газета кўринмаси ранжишар экан. Ҳиндистонда ҳам мамнинг қўлида телефон бор, бироқ кўча-куйда газета ўқиганлар тез-тез учрайди. АҚШ, Корея, Малайзия, Туркия, Сингапур, Хитой, ҳатто қўшни Қозоғистонда ҳам ҳар куни миллионлаб нусхада газеталар босилади, ҳаммасининг ўз ўқувчиси бор. Босма нашрларга ҳурмат билан қаралган жойда жамоатчилик назорати ҳам ривожланади. Жамоатчилик назорати қанчалик кучли бўлса, мутасаддилар-

нинг хушёрлиги ошади. Шунинг учун ҳам юқорида тилган олинган мамлакатларда газетанинг ўз кучи ва қадри бор, улар матбуотга ишонишади.

Йигирма йилдан бери газета таҳририятларида ишлаб келаётган киши сифатида кейинги йилларда бир нарсадан ажабланадиган бўлдим. Шикоятчилар, ҳақ-ҳуқуқи поймол этилганлар блогерларга мурожаат қиладиган бўлишди. Блогерман дегани эса каттагина пул эвазига мурожаатчиларнинг ташвишини ўрганар экан. Ана холос, таҳририятларга ҳам ҳар куни ўнлаб мурожаатчилар келади, аммо улардан пул олиб журналист суриштируви ўтказилганлигини кўрмадим ҳам, эшитмадим ҳам. Ваҳоланки, таҳририятларда бу каби муаммолар суриштирилган, танқидий мақолалар бериб келинган, жуда кўплаб муаммолар бартараф этилиб, арзғўйнинг қувончига сабаб бўлинган. Бундай ишлар ҳар куни рўй берган, бироқ уни на таҳририят, на таҳририят ходими кўз-кўз қилган. Суд, прокуратура каби идоралар эшикларини очишга қурби етмаганлар умид билан таҳририятга келарди ва уларнинг илтимоси, арз-доди холис ўрганиларди. Ҳозир эса қўшнисига битта олма берса ҳам мана менинг яхшилигим деб кўз-кўз қиладиганлар бор. Агар шу блогерлик бўлса, жирканиш керак бундайлардан.

Ҳалоллик, ватанпарварлик, халққа хизмат қилиш ҳақида бонг уриб юрадиганлардан бирини анчадан бери танийман. Шу одам ҳар куни шахсий ҳаётидан нолигани нолиган эди. Бир юмалаб ўзини блогер деб эълон қилди ва шу кунларда энг сўнгги русумдаги машина миниб юрибди. Бундайлар кимнинг эркаси? Нега улар бошқаларга кибор билан қарайди? Нега улар журналистикада кўп йиллар ишлаганнинг устидан кулади? Исм-шарифини ёзолмайдию, таҳрир усталарини мазах қилади? Кўрсаводлик қачонгача давом этади? Ижтимоий тармоқ орқали кўчада ётган ахлатни кўрсатишдан кўра ўша чиқиндини ўзинг олиб ташла, ана шу ибрат бўлади. Қийналиб қолган маҳалладошинг, юртдошингга билдирмай, холис ёрдам бериб юравер, ахир бундай ишлар ота-боболаримиз томонидан азалдан бажариб келинган, лекин кўз-кўз қилинмаган. Кўз-кўз қилиш уят саналган.

Бу билан айтмоқчиманки, блогерлик ва журналистика тамоман бошқа-бошқа тушунча. Журналист холис суриштирув ўтказди, муаммо моҳиятини чуқур ўрганади. Зинҳор-базинҳор хайп учун, пиар учун шошма-шошарлик қилмайди. Мана шу нуқтаи назардан олиб қаралганда асл журналистиканинг, сўзнинг қадрини улуғловчи матбуотнинг ўрни бениҳоя улуғлиги янада намоён бўлади.

Шундай экан, матбуотни асранг, авайланг, уни бугунги аросатдан қутқаринг. Зеро, Шавкат Мирзиёев кўп бора таъкидлайдиган Адолатнинг чинакам лашкари матбуотчилардир. Лашкарнинг шамшири қаровсиз қолмаса у чархланиб бораверади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

ИНСОН ҚАДРИГА ТАЖЖОВУЗ

(Боши 1-саҳифада)

Илм-фан, техника ва янги ахборот технологиялари ривожининг жадаллашуви, ахборот алмашинуви тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида ўзига хос янги давр — глобаллашув асрини бошлаб берди. Бу жараёнда дунё мамлакатлари халқаро муносабатларда ялпи ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий, маданий ва ахборот, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда ҳамкорлик қилиш, умуминсоний кадриятлар билан миллий ўзига хос анъана ва кадриятларни уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Бунинг натижаси ўларок, халқаро меҳнат тақсимооти жараёнлари фаоллашмоқда, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва шу каби турли мақсадларда бошқа мамлакатларга чиқиши, эркин фаолият олиб бориши учун имкониятлар кенгаймоқда.

Умумжаҳон миқёсидаги ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, афсуски, айрим трансмиллий жиноятларнинг ортиши ҳам яққол кузатилмоқда. Одам савдоси ҳам умумжаҳон миқёсидаги муаммолардандир. Одам савдоси — бугунги кунда энг катта муаммолардан бири. Унинг бозори гиёҳвандлик восталари ва курол-яроғ савдосидан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Мазкур турдаги жиноят натижасида дунё бўйича амалга ошириладиган йиллик айланма 30 млрд. АҚШ доллардан ортиқни ташкил қилади. БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 2,7 миллион киши, жумладан, 600 — 800 минг атрофида аёллар ва болалар одам савдоси қурбонлари бўлмоқда. Ушбу қабих жиноят туфайли дунё бўйича йилига 7 миллиард АҚШ доллари атрофида пул ноқонуний айланади.

Глобал миқёсда Одам савдосига қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг ифодаси сифатида бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу халқаро ҳужжатларни шартли равишда икки турга ажра-

тиш мақсадга мувофиқ. Биринчи турга қуйидаларни:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси;
2. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция;
3. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт;
4. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протокол;
5. Хотин қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция;
6. Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги конвенциялар каби инсон ҳуқуқла-

Одам савдоси — бугунги кунда энг катта муаммолардан бири. Унинг бозори гиёҳвандлик восталари ва курол-яроғ савдосидан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Мазкур турдаги жиноят натижасида дунё бўйича амалга ошириладиган йиллик айланма 30 млрд. АҚШ доллардан ортиқни ташкил қилади. БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 2,7 миллион киши, жумладан, 600 — 800 минг атрофида аёллар ва болалар одам савдоси қурбонлари бўлмоқда. Ушбу қабих жиноят туфайли дунё бўйича йилига 7 миллиард АҚШ доллари атрофида пул ноқонуний айланади.

рига оид универсал халқаро ҳужжатларни киритиш мумкин.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 4-моддасида “Ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади” деб белгилаб қўйилган.

Одам савдосига қарши курашишда халқаро ҳужжатларнинг 2 турига қуйидаги:

1. БМТнинг “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияси;
2. БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияси;
3. БМТнинг “Трансмиллий уюш-

ган жиноятчиликка қарши конвенцияси”ни тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протокол;

4. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига таалукли Факультатив протоколи;

5. Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги” 105-конвенцияси;

6. ХМТнинг “Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги”

182-конвенцияларини одам савдосига қарши махсус универсал халқаро ҳужжатларга киритиш мумкин.

Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Палермо протоколи одам савдосига қарши курашишнинг умумэтироф этилган

Мамлакатимизда Одам савдосига қарши курашишда қатор сезиларли ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2019 йилда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ташкил этилди. Шунингдек, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, 2020 йилда янги тахрирдаги «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Қонунга мувофиқ, одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш, аниқлаш — уларга зарур ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни химоя қилиш, уларнинг одам савдосига қайта жалб этилиши хавфининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Ушбу соҳада амалга оширилган тизимли ишлар натижасида АҚШ Давлат департаментининг 2022 йилда эълон қилинган Одам савдосига қарши курашнинг дунё бўйича ҳолати таҳлилига доир маърузасида Ўзбекистон бу борада 2021 йилда иккинчи тоифага (Tier 2) ўтказилди. Илгари, 2018-2020 йиллар давомида Ўзбекистон иккинчи гуруҳ, яъни алоҳида назорат олиб бориладиган мамлакатлар таркибида (Tier 2 Watch List) бўлиб келган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, одам савдоси жинояти аксарият ҳолларда алдов усули билан амалга оширилмоқда. Шу сабабли тегишли вазирлик, идора, ташкилотлар ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотлари мамлакатимиз фуқароларининг одам савдоси қурбонига айланишининг олдини олиш мақсадида меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда аҳолининг ушбу соҳадаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, содир этилган жиноятларнинг сабабларини ва уларнинг оқибатларини фуқароларга етказиб турилишини таъминлаш лозим. Шунингдек, бу борада давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда кучларни бирлаштириш лозимлигини таъкидлаш лозим. Ўйлаймизки, одам савдосига қарши курашнинг халқаро ва миллий қонунчилик нормаларида қонуний тартибга солиниши шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Сухроб БОЗОРОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази етакчи
мутахассиси

БОКУДАН БОКУГАЧА

(Боши 1-саҳифада)

Шаҳарнинг ландшафт дизайни алоҳида диққатга молик. Йўл четлари, оралари, айланма йўллар орасидаги тепаликлар, кўйинги, ҳар қарич ер юксак дид билан безатилган. Ноёб гуллар, дарахтлар, манзарали буталар кўзингизни кувнатади. Ҳаммаёқ кўм-кўк.

Алишер Навоий ҳайкалини зиёрат қилдик. Ниҳоятда кўркам, шинам хиёбон. Ҳайкал атрофи, бутун хиёбон чинидай топ-тоза, харрақлар қўйилган. Одамлар дам олиб ўтиришибди. Улуғ бобомиз ҳайкали гўзал шаҳарга кўрк бағишлаб турганидан фахрландик, суюндик.

Бокунинг энг гавжум жойларидан бири Каспий соҳили. Бу ерда илгари бир чойхона бўларди. Ижодкорлар – шоир ва ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар тез-тез йиғилиб турар, ижодий суҳбатлар қураб эдилар. Бугун бу ерда тўрт қаватли ниҳоятда ҳашаматли, ўта замонавий савдо-кўнгилочар мажмуа қурилди. Бу ерга кирсангиз, Европанинг энг замонавий шаҳарларида юргандай ҳис этасиз ўзингизни.

АДАБИЁТ ВА КИТОБ
ФЕСТИВАЛИ

Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ туркий тилли давлатлар маданиятини тарғиб қилиш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ибратли ишлар қилмоқда. Жумладан, 2023 йил март ойида Навоий шаҳрида “Мумтоз шеърят” фестивали, туркий тилли давлатлар Ёзарлар бирлигининг биринчи йиғилишини ўтказди.

2023 йил 5-11 июнь кунлари Боку шаҳрида Турк дунёси II адабиёт ва китоб фестивали бўлди. Бу етти куннинг ҳар куни бир давлат адабиётига бағишланди. 10 июнь Ўзбекистон куни бўлди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси билан бошланди.

Озарбойжон Миллий илмлар академияси бўлим мудир, профессор Олмос Улви Биннатова тадбирни кириш сўз билан очди. Боку давлат университети профессори, Ўзбекистоннинг “Дўстлик” ордени соҳиби, ўзбек адабиёти ва тарихи тарғиботчиси Рамиз Аскеров, филология фанлари доктори Яшар Қосимов маъруза қилди.

Шундан кейин камина ходимингиз сўзга чиқди.

– Жаҳон адабиётида турк дунёси адабиётининг салмоқли ўрни бор. Низомий Ганжавий дунё адабиётида биринчи бўлиб “Хамса” яратган. Аммо у “Хамса”ни форс тилида битган. Биринчи туркий “Хамса”ни Алишер Навоий яратган. Бундан бутун турк дунёси фахрланиши лозим, – дедим. – Халқларимизнинг дўстлиги ўша замонлардан бошланган. Бу дўстлик қанақа тузум, қанақа сиёсат бўлмасин, гоҳо муайян узилишлар билан бўлса-да, мунтазам давом этган. Ҳатто халқларимизни бир-биридан ажратиш ташлашга ҳаракат қилган ва бунга маълум даражада эришган совет тузumi даврида ҳам қардошлигимиз, ҳамкорлигимиз иплари узилмаган. Бунда ўзбек ва озарбойжон халқларининг буюк фарзандлари Шароф Рашидов ва Ҳайдар Алиевнинг хизмати бениҳоя катта. Озарбойжонда Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўн кунлиги, Ўзбекистонда Озарбойжон адабиёти ва санъати ўн кунлиги каби тадбирлар кўтаринки руҳда ўтгани эсимизда.

Ўзбекистон ва Озарбойжон муштакилликка эришганидан кейин бу дўстлик ва ҳамкорлик янгича руҳда давом этди. Президентларимиз Исроҳ Каримов ва Ҳайдар Алиев, кейин Исроҳ Каримов ва Илҳом Алиев ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган катор ҳужжатларни имзоладилар. Сўнгги йилларда давлатларимиз раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев бу ҳамкорликни мутлақо янги йўлда, янги оҳангда давом эттирмоқдалар. Олий даражадаги ташрифлар мунтазамлик касб этди. Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлди. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан туркий тилли мамлакатлар адиблари асарларидан иборат юз жилдлик китоб ўзбек тилида нашр этилди. Унинг ўн олти жилди озарбойжон адабиётига бағишланди.

Фестивалнинг Ўзбекистон адабиётига бағишланган кунига Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллиги асосий мавзу қилиб олинганда ҳам теран рамзий маъно мужассам. Ушбу қутлуғ санани кенг нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Президентининг махсус қарори эълон қилинди. Зеро, Бобур нафақат ўзбек адабиёти, ўзбек халқи тарихида, балки бутун турк дунёсида ноёб шахсдир, у бутун турк халқларининг фахри ҳисобланади. Бобурнинг ғазаллари, илмий асарларидан ташқари биргина “Бобурнома”сини қанча-қанча миллатларнинг қомуси дейиш мумкин. Шундай экан, Бобур ижодий меросини тўла ўрганиш учун ҳали жуда кўп иш қилиниши керак.

Ўзбекистон санъат ва маданият институти профессори Маъруфжон Йўлдошев, ёш ёзувчи Шавкат Дўстмуҳаммад сўзга чиқди. Озарбойжон шоири Акиф Азалп (Бағиров) ўзбек миллати ҳақидаги шеърини ўқиди.

Озарбойжон ва Ўзбекистон халқ артисти Гуляноқ Маммадова озарбойжон ва ўзбек ашулаларини куйлаб, фестиваль иштирокчиларига хуш кайфият бағишлади.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида иштирокчилардан бир гуруҳи ТУРКСОЙ ва турли ташкилотларнинг мукофотлари билан тақдирланди. Камина ходимингиз ва Маъруфжон Йўлдошев ТУРКСОЙнинг “Низомий Ганжавий” медалига лойиқ кўрилди.

Бундан қирқ тўрт йил аввал Ганжа шаҳри яқинида Низомий макбарасини зиёрат қилган эдим. Ўшанда буюк бобомиз Алишер Навоий қабрини ҳам зиёрат қилиш насиб этса эди, деб орзу қилгандим. Афсуски, бу орзуим ҳамон амалга ошмади. Аммо бир куни келиб Низомий Ганжавий номи билан аталувчи медал билан тақдирланишим ҳаёлимга ҳам келгани йўқ. Бинобарин, у пайтда бундай медалнинг бўлиши ҳам тасаввурга сиғмайдиган гап эди-да... Шу кунларга етказган Оллоҳимга беадад шуқурлар бўлсин...

Шу ўринда Яшар Қосимов ва Акиф Бағиров ҳақида икки оғиз сўз. Улар ўтган асрнинг 70-йилларида Тошкент Давлат университетида (ҳозирги ЎЗМУ) ўқиган. Университетни битиргач, ЎЗФАнинг Тил ва адабиёт институтида, турли газеталар таҳририятларида ишлади. Ўзбек адабиётидан илмий иш ёзишди, таржималар қилишди. Я.Қосимов бугун филология фанлари доктори, Акиф Бағиров яхши шоир, унинг кўплаб шеърлари озарбойжон хонандалари то-

монидан ашула қилинган.

Ўша йиллар Тошкент Давлат университети билан Боку давлат университети ўртасида талаба алмашиш тажрибаси бор эди. Бундай тажриба Грузия билан ҳам йўлга қўйилган эди. Мен бу ўринда журналистика факультетларини назарда тутяпман. Ушбу хайрли тажриба бугун ҳам давом эттирилса кўп улуг иш бўлар эди.

“MADE IN UZBEKISTAN”

Бу дунёда ғалати-ғалати ишлар бўлади-да. Кейин эслаб қулиб юрасиз...

Ўтган асрнинг 80-йилларида турмуш ўртоғим билан Сочи шаҳрига дам олишга борган эдик. Бир куни автобус кутиб турганимизда шерикларимиздан бирининг қўлида чиройли сопли эгвога ўхшаган нарсани кўриб қолдик. Бу нима, деб сўрасак, пичоқ чархлайдиган, деди. Бу хотинимни қизиктириб қўйди. Шундан биз ҳам олайлик, деди. Тошкентда ҳам бордир шу матоҳ, десам, сиз ошхонага кирмайсиз-да, қийналганда мен қийналаман, деб ранжиди. Шеригимиздан қайси магазиндан олганини сўрадим. Таксига ўтириб, ўша магазинга бордик ва уч сўмга ўшандан олдик. Хотинимнинг оғзи қулоғида, гўё катта бир муаммони ҳал қилгандай.

У вақтда Сергели-2 мавзесида яшардик. Кўчанинг нариги бетида ярмарка бўларди, ҳозир ҳам бор. Бир куни турмуш ўртоғим билан бозор-ўчар қилиб, ярмаркадаги хўжалик моллари магазинга кирдик. Бундай қарасам пештахтада биз Сочидан уч сўмга олган матоҳ турибди, чанг босиб ётибди. Сотувчидан нархини сўрасам, икки ярим сўм, деди. Хотинимга кўрсатдим...

Бокуда юрганимда етти яшар неварам Умар видео кўнғироқ қилди. Ҳолаҳвол сўраб, менга Озарбойжондан шоколадлар олиб келинг, деди. Хўп, албатта олиб бораман, дедим. Вақт топиб Яшар ҳамроҳлигида икки-уч хил шоколаду ширинлик олдик. Неваранинг “казини” бажардик, деб хурсанд бўлдим.

Уйга келгач, Умарга ширинликларни бердим.

– Фақат сизнинг “казини”ингизни бажардик, тақсир, – дедим ҳазиллашиб.

– Раҳмат, бобожон, – деб юзларимдан ўпиб қўйди. Конфетларни бирин-кетин кўра бошлади. Бирдан авзойи бузилди. Хайрон бўлдик. – Мени алдабсиз-ку, – деса бўладими.

– Нега алдайман, эркатойим. Мана ҳар хил шоколадлар, ширинликлар олиб келдим-ку.

– Мен сизга Озарбойжон ширинлигиндан олиб келинг дегандим, сиз Ўзбекистонникидан олиб келибсиз, – деди-да, чиройли қоғозга чиройли қилиб ўралган бир ширинликни кўрсатди.

– Йўқ, алдаганим йўқ. Бокунинг қоқ марказидаги супермаркетдан олдим.

Умар бўш келмади.


– Мана “Made in Uzbekistan” деб ёзиб қўйибди-ку.

Олиб ўқиб кўрсам, Умарнинг гапи тўғри, Тошкентимизнинг Янги ҳаёт туманида ишлаб чиқарилган экан.

Нима дейишимни билмай қолдим. Ўзимни оқлаш йўлини қидирдим.

– Ҳечқиси йўқ, мана булари Озарбойжонники-ю, – дедим.

Ҳаммамиз қулдик... Агар аянг ҳаёт бўлганида Сочи воқеасини эслатиб, росса устимдан қуларди-да, деб ўйладим, аммо Умарга айтмадим.



Озиқ-овқат маҳсулотларимиз ҳам экспорт қилинаётганидан хурсанд бўлдим.

Яшарга кўнғироқ қилиб айтдим. У ҳам мириқиб қулди. Кўрдингизми, неварангиз сизу биздан кўра синчковроқ экан, деди.

Учбурчак шаклда чиройли қилиб ўралган ширинликка қараб ўйга толдим. “Бундан ўзимизнинг магазинларда ҳам бормикан?”

Болалик йилларимиздаги воқеа эсимга тушди.

Каттагина боғимиз бўлар, унда бир неча хил олма, ўрик, шафтоли ва бошқа мевали дарахтлар бор эди. Уларнинг мевасини қоққанимизда олмани ҳам, ўрикни ҳам хил-хилига ажратар эдик: яхшилари, катта-катталари бозорга, майда-чуйдалари, қурт еган, эзилганлари рўзгорга бўларди.

Шу анъана ҳозир ҳам бормикин, дейман-да... Янаям билмадим...

ХАЙР, БОКУ

Бугунги Бокунини кезиш, у ердаги ўзгаришларни кўриш, англаш учун беш кун оз, жуда оз. Чунки унинг ҳар бир гўшасида ўзгариш, янгилик барқ уриб турибди. Нақадар хайратланарли, ҳавас қилгулик.

Шу қиска сафарим давомида ўзлигини йўқотмаган янги Бокунини кашф этдим. Шу боис ўттиз беш йил олдинги Бокудан бугунги Бокуга келгандай сездим ўзимни.

Бокуга эрта тонгда кириб борган эдим, ярим тунда тарк этмоқдаман. Худди эрталаб бориб, окшом қайтаётгандай эдим. Қадрдон кишилар узок йиллардан сўнг кўришса ажралиши қийин кечади, бир бирининг дийдорига тўймайди, хайрлашгиси келмайди. Ҳозир менда ҳам шу туйғу ҳукмрон эди. Тун бўлишига қарамай чор тарафи кундуздай чарогон Бокудан чиқиб кетяпману атрофга суқ билан бокаман. Гўё уни ташлаб кетгим келмаётгандай. Ҳайдовчига секинроқ юринг, дегим келади. Аммо самолётга етиб боришни, жонажон Ватанимга учини ўйлаб бу фикримдан қайтаман. Ўзга юрт ҳар қанча гўзал бўлмасин, ота юртинга, она Ватанинга тенг келмайди, унинг ўрнини боса олмайди...

Ва беихтиёр машҳур озарбойжон шоири Самад Вурғуннинг машҳур ғазалидаги ушбу сатрлар ёдимга келади:

Қўй, эй булбул, тин, эй довул,

ки хоҳиш иштироҳатдир,

Бу ерларда илнжим йўқ,

юпанчим – бир саёҳатдир...

...Самолёт Тошкентимизга яқинлашганда иллюминатордан пастга қарайман: осмондаги сонсиз юлдузлар каби ярқираб турган шаҳри азим – Шарқ дарвозаси Тошкентимга ҳавас ва хайрат ила термуламан. Самолёт пастлаб борган сари юрагим ҳаприқади. Ҳаво кемасининг оёқлари юртимиз, пойтахтимиз заминига текканда бир енгил тортдим, бир енгил тортдим... Оллоҳга шуқрлар бўлсин...

Ватан соғинчи, Ватан меҳри ҳамма нарсадан тотли, ҳамма нарсадан устун! Борингта шуқур, жонажон Ватаним – жаннатмонанд Ўзбекистоним!

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

“ҚАДР-ҚИММАТ, ЭРКИНЛИК ВА АДОЛАТ БАРЧА УЧУН”

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин қабул қилинган асосий халқаро ҳужжатлардан биридир. Ушбу ҳужжат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий тамойиллари ва мақсадларини белгилайди.

Декларацияда яшаш ҳуқуқи, сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, қонун олдида тенглик ҳуқуқи каби инсоннинг фундаментал ҳуқуқларига эътибор қаратилган. Шунингдек, ҳисобга олиш керакки, ўша давр жамияти – аниқроғи, XX аср ўрталарида жамият инсон ҳуқуқлари кадриятларининг бундай муҳим жиҳатлари ва лаҳзаларига аллақачон эътибор қаратган. Ушбу Декларациянинг қабул қилиниши тарихнинг ёрқин ва ижобий дақиқаларидан биридир. Шу билан бирга, бутун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бера бошланди.

Декларация сиёсий ҳусусиятига қарамадан, ҳозирги вақтда халқаро ҳамжамят томонидан муҳим халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз ичига олган ҳужжат сифатида тан олинган. Декларация асосида тузилган ҳуқуқ ва эркинликлар каталогида 1948 йилдан кейин қабул қилинган 100 дан ортиқ конституциялар мавжуд. Декларациянинг асосий тамойил ва қоидалари жаҳондаги аксарият давлатлар конституцияларидан жой олди ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчилик ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди ва миллий ҳуқуқнинг таркибий қисмига айланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси учун алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу Декларация Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Мазкур ҳужжат 1991 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII-сессиясида ратификация қилинди.

2023 йил декабрь ойида инсон ҳуқуқлари соҳасида асосий ҳужжат қабул қилинганига 75 йил тўлади. Шу муносабат билан, 2022 йил 10 декабрь – Инсон ҳуқуқлари куниди БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг ахборот кампанияси бошланган бўлиб, Декларациянинг 75 йиллиги 2023 йил 10 декабрда нишонланади. Бир йилга мўлжалланган акция “Қадр-қиммат, эркинлик ва адолат барча учун” шиори остида ўтказилади ва у Декларацияни тушунишни кенгайтириш, унинг мероси, долзарблиги ва у билан боғлиқ фаолиятга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги фармони билан ушбу ҳужжат қабул қилинганининг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тасдиқланди.

Шунга кўра Тошкент давлат юридик университетининг Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси ташаббуси билан “Янги Ўзбекистоннинг конституциявий ислохотларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ўрни: Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи тажрибаси” мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Лондоннинг Brunel университети (Буюк Британия), академик Е.А. Букетов номидаги Қарағанда университети, Абай

да аҳамият берди. Хусусан, Асосий Қонуннинг иккинчи қисми инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Янги Конституция барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглигини кафолатлайди. Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясига киритилган янги нормалар қаторида шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, шунингдек мамлакат фуқароларининг интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш белгиланганлигини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу нормалар инсон ҳуқуқларини конституциявий даражада ҳимоя қилишга имкон беради.

Конституциямизга кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро

ри ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, одам савдосига қарши курашиш бўйича миллий қонунчиликнинг бажарилиши, аҳоли, айниқса, ёшларнинг бандлиги ҳолати, янги иш ўринлари ташкил этилиши ва фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини мунтазам назорат қилиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 февралдаги қарори билан “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури тасдиқланди. Ушбу дастурнинг ўзига хос ҳусусияти шундаки, эндиликда “Инсон ҳуқуқлари” ўқув модули бутун мамлакат университетларида ўқитилади. Бундан ташқари, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб профессионал ва олий таълим тизимида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Болалар ҳуқуқлари” бўйича ўқув ва махсус курслар жорий этилади.

Аввало, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси руҳини тиклаш учун ривожланаётган мамлакатларда Декларация нормаларини фаол тарғиб қилиш, инсон ҳуқуқлари декларациясига бағишланган мунозаралар ва давра суҳбатлари ташкил этиш керак. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияни тарғиб қилишнинг асосий элементларидан биридир. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим маълум бир соҳада юқори сифатли ва самарали билимларнинг пайдо бўлиши учун асосдир. Декларация, шунингдек, онлайн муҳитда фаол равишда тарғиб қилиниши, Facebook, Instagram, Твиттер ижтимоий тармоқларида жамоат ёки инсон ҳуқуқлари ҳисобларини очиш керак. Юқоридаги омиллар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг руҳини тиклашга ва одамларни ушбу халқаро ҳужжат билан таништиришга ёрдам беради.

Умуман олганда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, инсон ҳуқуқлари концепциясини доимий равишда кенгайтириш ва такомиллаштириш учун катта аҳамиятга эга ҳужжатдир.

Шохрухбек ТИЛЛАБОЕВ,
ТДЮИ «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси ўқитувчиси, 3-даражали юрист, «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиати

2023 йил декабрь ойида инсон ҳуқуқлари соҳасида асосий ҳужжат қабул қилинганига 75 йил тўлади. Шу муносабат билан, 2022 йил 10 декабрь – Инсон ҳуқуқлари куниди БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг ахборот кампанияси бошланган бўлиб, Декларациянинг 75 йиллиги 2023 йил 10 декабрда нишонланади. Бир йилга мўлжалланган акция “Қадр-қиммат, эркинлик ва адолат барча учун” шиори остида ўтказилади ва у Декларацияни тушунишни кенгайтириш, унинг мероси, долзарблиги ва у билан боғлиқ фаолиятга қаратилган.

номидаги Қозоқ Миллий педагогика университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети каби хорижий ва мамлакатимиздаги таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистонда демократия ва инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш йўлида катта аҳамият касб этди. Эндигина мустақилликка эришган Ўзбекистон ўз Конституциясини, ундаги инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган нормаларни шакллантиришда Декларация дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

Референдумда халқ овози билан қабул қилинган янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ инсон ҳуқуқлари кадриятларига алоҳи-

шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми экани ҳамда миллий қонунчиликка нисбатан устун аҳамиятга эгаллиги тан олингани, айниқса, диққатга сазовордир.

Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани) инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳурмат қилиш учун ишлайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази инсон ҳуқуқлари, эркинликла-

ТЕЛЕНОВЕЛЛАЛАР НИМА БЕРАДИ?

ёхуд “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи”нинг “болалари”

(Боши 1-саҳифада)

Теленовелла — ҳаётдаги бирор-бир воқеалик сахналаштирилиб, актёрлар талқинида экранга олиб чиқилади. Инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, турмушнинг аччиқ-чучук ҳолатлари кўрсатиб берилади. Лекин бунинг машаққати ўзига яраша бўлади. Юқорида санаб ўтилган теленовеллаларда хилма-хил мавзулар танланади. Баъзан бир-бирига ўхшаш жиҳатлар бўлиши мумкин. Фавқулудда “портлатадиган” ё аксинча меъдага тегадиган, “чайналиб қолган” мавзулар ҳам учраб туради. Муҳими, томошабинга ибрат бўлиш, тарбиявий аҳамиятини очиб бериш.

Сахналаштирилган жанрда телемахсулот эфирга узатиш борасида “Маҳалла” телеканали пешқадам десак муболаға бўлмайди. “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” ва “Умр сўқмоқлари”, шунингдек, “Телевизион миниатюралар”, “Ҳа-ха-ха”, “Шапалоқ”, “Қалампир” каби дастурларнинг томошабини кўпроқ. Бу кўрсатувлар эфирга узатилгандан сўнг “Ютуб” каналига ҳам жойланади.

Телевизорда кўролмай қолганлар ушбу ижтимоий тармоқда бемалол кўришади. Шунинг учун бўлса керак, телеканалнинг “Ютуб”даги кўримлилик даражаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2-3 баробар ошган. Яъни айти пайтда оубначилар сони 100 000 дан ошган. Биргина “Умр сўқмоқлари”нинг жорий йил 18 майдаги “просмотри” 1 838 165 ни ташкил этади.

— “Умр сўқмоқлари” теленовелласи дастлаб ҳафтада биттадан тайёрланган бўлса, ҳозирда бир ойда 15 тагача эфирга берилади, — дейди телеканалнинг “Бадий-маърифий дастурлар” муҳарририяти бош муҳаррири Назарали Тиллаев. — Авваллари ролларни ҳаваскор актёрлар ижро этишган бўлса, айти пайтда профессионал санъаткорлар, Ўзбекистон халқ артистлари ва хизмат кўрсатган артистлар ўйнашади. Шунчаки, қўл учида қилинадиган махсулотга имкон берилмайди. Ижодкорларга қўйиладиган талаб юқори. Томошабиннинг кўпайишини эса шунинг меваси деб билиш лозим.



Рихсixon Ҳамидуллаева, Байрамали Қўлдошев, Наргиза Усанбоева, Гофур Жабиев, Атхам Арслонов, Шахриёр Ибрагимов, Наргиза Эргашева, Наима Абдурахмонова каби муаллифлар, Ҳислатилла Пўлатов, Хушнуд Ғаниев, Малоҳат Қобилова, Ғулом Эргашев, Равшан Раҳматов, Анвархон Қосимов, Бахтиёр Хонкелдиев, Тоҳир Усмонов, Ҳилола Саидова, Шавкат Жалилов сингари режиссёрлар “Умр сўқмоқлари”нинг мукаммал тайёрлашига катта ҳисса қўшиб келишмоқда. Баъзан мавзулар бир-бирига ўхшаб қолмаслигини таъминлаш мақсадида чет муаллифлар ҳам жалб этилади.

Ушбу номдаги теленовеллани тайёрлашда энг биринчи тарбиявий аҳамиятига эътибор қаратилади. Томошабин учун ибрат бўладиган воқеалар тасвирга олинади. Мавзулар асосан ижтимоий-маиший бўлиши мумкин, лекин ижодий

бирлик жараёнида томошабини таъсирлантирадиган ва чуқур ўйга толдирадиган махсулот тайёр бўлади. Тўғри, одатдагидай турмушдаги икир-чикирлар, қайнона-келин, эр-хотин можаролари ҳам кўтарилади. Аммо мавзуга ёндашув ва ўзига хослик беихтиёр муҳлисни экранга жалб қилади. Муҳими, сийқаси чиққан ёки миллий урф-одатларга тескари бўлган жиҳатлар эътиборга олинмайди.

“Одобни беодобдан ўрган”, — деган халқимизнинг мақоли бор. Шундан келиб чиқиб, “Умр сўқмоқлари” теленовеллалар туркумининг бош мезони ҳам қадрият ва анъаналарга содиқ қолган ҳолда ёшлар тарбияси учун хизмат қилади. Ҳар бир новелланинг хулоса қисмида яхши бўлсанг яхшилик, ёмон бўлсанг ёмонлик топасан, деган ақида туради. Бу эса барча эпизодларни бирлаштириб якуний хулосани ясайди.

Гофур ЖАБИЕВ



СУХАНДОН КИМ?

Радио, кейинроқ телевидение ҳаётимизда пайдо бўлгач, “диктор” тушунчаси сўз бойлигимизда мустаҳкам ўрнашиб олди. Радио ва телевидение материалларининг матнини микрофон олдида (ёхуд кадрда) ўқийдиган шахсни диктор деймиз. Талаффузи ёхуд баён тарзи “дикция” (хушоҳанг), айти дамда, нутқи равон бўлган бошловчи “дикцияси яхши диктор” сифатида таърифланади.

Радио ё телевидение дикторини “сухандон” ҳам деймиз. Бу тўғрими?

Тўқсонинчи йилларнинг ибтидосидан “сухандон” атамаси “диктор” ўрнини эгаллади. Бироқ бу калиманинг луғавий маъноси эътибордан четда қолди — бу сўз замирида “диктор”ликка мутлақо алоқаси бўлмаган мазмун мужассамлиги ҳисобга олинмади. (“Сухан” — бу “сўз”, “дон” эса “бил” ёхуд “билмоқ”). Яъни, сухандон — бу сўзни яхши биладиган ё тушунадиган шахс! Бошловчиликда эса сўзни билиш ва тушуниш баробарида меъёрига етказиб талаффуз этмоқ алоҳида аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда жарангдор, жозибали, таъсири кучли овоз эгаларини — сахнада чиқадиган бадий сўз усталарини “конференансье” баробарида “сухандон” деб аташ урфга кирди. Тўйни (базмни) олиб борувчи “ўртакаш” ҳам “сухандон”га айланди: “Ал-

ламаҳалда микрофон орқали бутун маҳаллада эшитилаётган куй-қўшиқ, тантанали сўзларга уланиб кетган сухандон ўғлининг ваъзгўйлиги ниҳоясига етди-ю, мўйсафид енгил нафас тортгандай “хайрият-э!” деди ичида” (Ҳикоядан).

Донишмандлар кўп ўтишган. Бироқ ҳаммаларида ҳам ўзига жазб этувчи, қалбнинг нозик пардаларини титратувчи овоз бўлмаган. Сайл ва томошаларда, жамоат жойларида мутафаккиру алломалардан-да воизлар сеҳрли овоз билан тингловчини ўзига тортган. Айрим воизларгина (жумладан, Ҳусайн Воиз Кошифий) ёқимли овоз баробарида чуқур билим ва тафаккур билан ҳам оммани ром этган. Чиройли сўзловчи илми калом олимларини аждодларимиз мутакаллим дейишган.

Ўтмишдаги воизни, бугунги кундаги конференансье ёхуд дикторни “сухандон” деб аташ нотўғри. Микрофон олдида матн ўқийдиганни “бошловчи” ҳам деймиз. Ҳақиқатан ҳам бу сўз “диктор” маъносини ифодалайди. (Мантикий нуктаи назардан “бошловчи” фақат бошлаб берувчи, бутун жараёнда

иштирок этувчи шахс эмас”, деган эътирозни ҳам эшитамиз). Рус тилидаги “ведущий”нинг таржимаси — олиб борувчи. Аммо бу ифода бир сўздан таркиб топмагани учун қўлланилмайди.

“Диктор”нинг яна бир синоними бор — “наттоқ”. Бироқ луғат бойлигимизда ўрни бўлган, араб тилидан қабул қилинган “диктор”га тўлиқ ҳаммаъно наттоқ ўрнига бутунлай бошқа маънони ифодалувчи форсча “сухандон”ни ишлатамиз. Нима учун?

Мумтоз адабиётимиз намуналарида сухандон (суханвар, сухангустар) шоир маъносида қўлланган. Масалан, адабиёт дарсликларидан бирида шундай қайд қилинган: “Улуғ озарбойжон шоири Фузулий Навоийни Низомий билан бир қаторга қўяди, унинг ижодий тажрибасидан таълим олади ва “Навоий сухандон” деб уни чуқур ҳурмат билан хотирлайди”.

Таъкиддан маълум бўлишича, оддий шоир эмас, бетакрор шоирларгина “сухандон”ликка лойиқ деб топилган.

Муҳаммад ШОДИЙ



САМИ ЮСУФ: ЭЪТИҚОДНИ САНЪАТДАН УСТУН ҚЎЯМАН

ЖАМИЯТ
BONG.UZ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-810
Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
99-791-43-23,
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6

Рустам ЖАББОРОВ

Бугунги кунда дунё мусиқа санъатида исломий қўшиқлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу йўналишда ижод қилаётган хонандалар орасида буюк британиялик ёш қўшиқчи Сами Юсуфнинг номини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Сами Юсуф ўзбек мусиқа ихлосмандларига ўзининг “Ал-муаллим”, “Салавот”, “Ҳасби роббий” сингари қўшиқлари билан танилиб улгурган. Унинг бу ва бошқа қўшиқлари бутун дунёда уяли телефонларда энг кўп ишлатиладиган рингтонларга айланган.

Айни пайтда “Ислом поп юлдузи”, “энг яхши илоҳий қўшиқлар ижрочиси”, “Мусулмонларнинг Элвис Преслиси” сингари номлар билан шуҳрат қозонган бу ёш қўшиқчи 1980 йилнинг 21 июль куни Эрон пойтахти Техрон шаҳрида зиёли оилада дунёга келади. Унинг ота-онаси асли озарбойжонлик эдилар. Уларнинг оиласи Буюк Британияга кўчиб кетганида, Сами уч ёшга ҳам тўлмаган эди.

Сами Юсуф бошланғич таълимни Лондонда олади. Аввал Туманли Альбион пойтахтидаги мусиқа мактабларидан бирида, кейин эса, дунёдаги энг машҳур санъат олийгоҳларидан саналган Қироллик Консерваториясида таҳсил олади. Талабалик йилларида Сами Юсуф юксак мусикий истеъдоди туфайли махсус Қиролича стипендиясини олишга муяссар бўлган.

Сами Юсуф ғарб давлатида, аммо, ўз тарихий қадриятларига содик, тақводор оилада ўсиб-улғайди. Ёшлигидан отасидан дин аҳкомлари, мусулмончилик қонун-қоидаларини пухта ўрганди. Ислом динининг инсонийлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ғоялари таъсирида тарбия топди. Хонанда 20 ёшидаёқ Ислом куйчиси бўлиб танила бошлади. У ўз қўшиқларида ғарб ва шарқ наволарини уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. Хусусан, озарбойжон миллий мусиқа санъатининг бебаҳо гултожи — муғомот оҳангларидан унумли фойдаланади.

Яратганнинг қудрати ва пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг буюклигини тараннум этувчи, кишиларни эзгуликка, покликка ундовчи ўнлаб қўшиқларни ижро этди. У ўз тароналарини асо-

сан инглиз, араб, форс, турк тилларида ижро этади. Унинг бир пайтнинг ўзида тўрт тилда (инглизча, туркча, ҳиндча, арабча) куйлаган “Ҳасби роббий” (менга Парвардигоримнинг Ўзи кифоя) қўшиғи катта шуҳрат келтирди. Шу номдаги аудио ва видео альбомлари бир ярим миллион нусхада сотилди. Мазкур қўшиғига ишланган биргина клип Буюк Британия, Туркия, Ҳиндистон ва Мисрда суратга олинган. Бу қўшиғи орқали Сами Юсуф диний бағрикенглик, иймон-этикод кишиларнинг миллатидан қатъи назар қалбан бирлаштиришини кўрсата олган.

Инглиз, араб ва турк тилларида ижро этган “Mother-Anam-Ya ummi” қўшиғида оналарнинг улуғлиги, уларнинг розилигини, дуои хайрини олиш ҳар бир мусулмоннинг инсоний бурчи экани айтиб ўтилган. Хонанда ўз қўшиқларида муборак ҳадислардан кенг фойдаланади. Клипларда эса, пок қалбли, эзгу ниятли мусулмонларнинг ёрқин қиёфасини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Яқинда 43 ёшга тўлган хонанда шу пайтга қадар дунёнинг ўнлаб мамлакатларида ижодий сафарда бўлди. Ўтган йили август ойида Самарқандда ўтказилган йирик бир тадбирда иштирок этган Сами Юсуф Ўзбекистон, Самарқанд, халқимизнинг бой миллий маданияти, мусиқа санъати ҳақида илиқ фикрларни айтди. Шу билан бирга журналистлар билан бўлган суҳбатда ўзининг оиласи, болалиги, санъатга кириб келиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтди:

«Менимча, ҳар қандай мусиқа-чи ота ўз фарзандларини унинг изидан боришдан қайтаришга ҳаракат қилади, чунки мусиқа, актёрлик ва умуман ижодда кўп пул топа олмаслигимизни ҳаммамиз биламиз. Бу бекарор иш. Шунинг учун Буюк Британияда муҳожир бўлган отам мени муҳандис, ҳуқуқшунос ёки шифокор бўлиш яхшироқ эканлигига ишонтиришга ҳаракат қилди. Унинг учун бу баркарорликни англатарди. Ростини айтсам, мен ҳам шуни хоҳлардим. Ёшлигимдан мусиқа оламида бўлганим учун мен бу соҳани салбий томондан кўриш имконига эга бўлдим. Натижада мен юристликка ўқишни бошладим ва шу мутахассислик бўйича диплом олишни режалаштирдим. Аммо тақдирнинг мен учун бошқа режалари бор эди. Шу билан

бирга, аслида мусиқани ўзимнинг ишим деб ҳисобламайман, бу менинг ҳаётим. Менинг дидимни болалигимдан отам шакллантирган. У менга мақом, дастгоҳ, муғом каби анъанавий мусиқа услубларини ўргатди, шунингдек, мумтоз мусиқа, жумладан, Ғарб мусиқаси билан ҳам таништирди. Шунга қарамай, анъанавий мусиқа менинг севгимга айланди», дейди ижрочи.

Сами Юсуфнинг яқинлари у фақат ўз қўшиқлари билан эмас, гўзал ахлоқи, амаллари билан ҳам ибрат бўла олишини айтишади. У ўз вақтини ва маблағининг катта қисмини савобли ишларга бағишлайди. Концертларидан ва мусикий альбомлари савдосидан тушган даромаднинг муайян фоизини хайрия ишларига ажратади. 2006 йилнинг ноябр ойида илк бор Бокуда концерт берганида, ташкилотчиларга келишилган миқдордаги пулни олмаслигини, ушбу маблағ тўлиқ Қорабоғ уруши туфайли ўз тупроғидан бадарға қилинган қочокларга хайрия мақсадида сарфла-нишини айтган.

Сами Юсуф жаҳон мумтоз мусиқасининг буюк намояндалари Бах, Бетховен, Моцарт асарларини севиб тинглайди ва ижро этади. У ҳушовоз хонанда бўлибгина қолмай, истеъдодли созанда ва бастакор ҳамдир. Скрипка ва роялда гўзал мусиқа асарларини ижро эта олади. Кўпгина қўшиқларига ўзи мусиқа басталайди.

— Мен қўшиқчи мусулмон эмас, балки мусулмон қўшиқчиман, — дейди Сами Юсуф. — Яъни эътиқодни санъатдан устун қўяман. Қўшиқ куйлаш орқали яхшигина даромад топаётганим рост. Аммо, исломий қўшиқчиликни бизнесга айлантириш фикридан мутлақо йироқман. Қўшиқларим тингловчиларга маънавий озуқа берса, уларнинг қалбига малҳам бўлса, иймонини мустаҳкамлашга хизмат қилса, менга шунинг ўзи кифоя.

Сами Юсуфнинг ўзига хос ижро услуби, ўз овози, ўз сўзи бор. Шунинг учун унинг қўшиқларини Америкада ҳам, Мисрда ҳам, Туркияда ҳам, Индонезия ёхуд Малайзияда ҳам севиб тинглашади. 2008 йилда “Time” журнали Сами Юсуфни дунёнинг энг машҳур мусулмонлари рўйхатига киритгани ҳам бежиз эмас.

ХОСНИНГ ЎЗИГА ХОС ФАРЗАНДИ

Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида шундай битикларни ёзиб қолдирган: “Тонгласи Хўжанд суйини Хослар тўғрисида муз устидан ўтгук. Сувдин ўтиб тунқотиб, Пискентга келдук”. Хос қишлоғи нафақат Бекобод туманидаги, балки Тошкент вилоятидаги ўзига хос қадимий масканлардан бири. Бу қадимий гўша чиндан-да, буюк бобомиз Бобур Мирзо назарига тушган ва қадами теккан маскандир. Маматқул Тошматов эса ана ўша қутлуг масканнинг фидойи инсонларидан бири эди.

Болалигидан илм-фанга, китоб ўқишга иштиёқи баланд бўлган Маматқул Тошматов ўзининг зук-колиги, ҳар бир жабҳада ҳозир-жавоблиги билан устозларини ҳам, тенгдошларини ҳам хайратга солар, куч билим ва мутолаада эканлигини жуда яхши англаб олган эди. Ўша иштиёқ ва ҳавас ёш Маматқулни тинмай ўқишга, изланишга чорлади. Айниқса унинг аниқ фанларни чуқур ўзлаштиришга бўлган иқтидори келажакда етук иқтисодчи бўлиб камол топишида муҳим омил бўлди.

Ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаган М.Тошматов 1957-1959 йилларда Андижон қишлоқ хўжалиги техникумида ўқиб бухгалтер-иқтисодчи мутахассислигини эгаллади. Ва бир йил давомида Бекобод тумани суғурта инспекциясида хизмат қилди. Бундан қарангки, унинг бу касби 1960-1963 йиллар мубайнида ҳарбий хизматни ўташ чоғида ҳам асқотди. Ҳарбий қурилиш қисмида ҳисобчилик қилди.

Маматқул Тошматовдаги иқтидор, билимга чанқоқлик, интилувчанлик барибир уни олий ўқув юрти сари чорлади. Ҳарбий хизматни тамомлаб келганидан сўнг Тошкент халқ хўжалиги институтининг бухгалтер-иқтисодчи факултетига кириб ўқиди ва бу олийгоҳни 1967 йилда имтиёзли диплом билан тамомлади. Ўша йиллари Маматқул ака сингари мутахассисларга талаб жуда катта эди. Ўқишни тугатиб ўзининг кадрдон қишлоғида, аниқроғи “Коммунизм” жамоа хўжалигида бош иқтисодчи бўлиб иш бошлади. Бу орада ёш мутахассис Аграр университети қошидаги жамоа хўжалиги ва давлат хўжаликлари раҳбар кадрлар тайёрлаш олти ойлик курсида малака ошириб қайтди.

Ўтган асрнинг 70-йиллари бошида Маматқул ака Бекобод туман қишлоқ хўжалиги бошқармасида жамоа хўжаликлари бўйича ташкилий бўлим бошлиғи лавозимида

ишлаб, хўжаликларнинг ҳисоб-китоб ишларини яхшилашга, иқтисодини тиклашга муносиб улушини қўшди. Соҳага оид турли хил мавзудаги семинар ва йиғилишларда ўз маърузаси билан фаол қатнашди.

Албатта, ташаббус ва иқтидор бор жойда ҳамиша ўсиш бўлади. Вилоят ва туман раҳбарияти бундай истеъдодларни тез пайқади ва кадрлай бошлади. 1973 йил ноябр ойидан бошлаб Бекобод тумани молия бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Албатта, ўша йиллари собиқ Шўро даври таъсири остида иш юритиш рус тилида олиб борилар эди. Маматқул ака бир муддат Санкт-Петербург шахрига бориб молия соҳаси бўйича малака ошириш курсида тахсил олди. Қўлланмаларнинг ҳаммаси рус тилида эди. Аммо у эсанкираб қолмади. Барча қийинчиликларни мардонавор енгиб кечаю кундуз шуғулланди. Ҳамма нарса молиявий ишларни тўғри ва оқилона юритишга боғлиқ экан. Маматқул ака молия бўлимига раҳбар бўлган йиллари тумандаги молия-иқтисод кўрсаткичлари тубдан яхшиланди. Республика молия вазирининг кўчмас байроқларини, мусобақа ғолиби мукофотларини олиш шарафига муяссар бўлди. Тошкент вилояти Молия бошқармасининг ҳурмат тахтасида унинг сурати ўн йилдан ортиқ осиглиқ турганлиги меҳнатига берилган муносиб баҳо эди.

Барча юртдошларимиз қатори Маматқул ака Тошматов ҳам она Ўзбекистонимизнинг Мустақиллигини, ҳур ва озодлигини шоду хуррамлиги билан қаршилади. Мустақиллик йиллари унинг учун янги даврни бошлаб берди. Енг шимариб астойдил ишлайдиган вақт келган эди. Ватанинг озод ва ҳур бўлиб турса она юрт учун, халқинг учун жўшиб меҳнат қилгинг келди. Маматқул ака сингари забардаст инсонлар бундан юрак-юракдан чуқур ҳис этар эди.

Бекобод тумани раҳбариятининг

тавсиясига биноан 1992 йилда Маматқул Тошматовни Хос қишлоғидаги собиқ “Коммунизм” жамоа хўжалигига раис этиб тайинлашди. Истиқлолнинг илк йилларида жамоа хўжалиги омборида ҳеч қандай маҳсулот қолмаган, танг бир ҳолатда эди. Ана шундай қийин бир шароитда ҳомийлар ёрдамида жамоа хўжалигини аста секин тиклашга эришди. Зарур маҳсулотлар ва анжомлар келтирилди, ободончилик ва тозалikka жиддий эътибор қаратилди.

1941-1945 йиллардаги Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчилари хотирасини абадийлаштириш мақсадида қишлоқ марказига ёдгорлик ўрнатилди. Уруш қатнашчиларининг номлари мармар лавҳага ўйиб ёзилди. Ўзининг кадрдон қишлоғида раис бўлиб ишлаган йиллари сезиларли ўзгаришларни амалга оширди. Жумладан, қишлоқ ичидаги кўчалар, 5 км асфалт қилинди, иккита замонавий дала шийпони қурилди, марказий омбор қайта таъмирланди. Меҳмонхона биноси қурилди. Булардан ташқари солярка билан ишлаб сув чиқарадиган 4 та насос электр трансформаторлар билан алмаштирилди. Натижада ҳар йили 15-20 тонна солярка ёкилғиси тежаб қолинадиган бўлди. Икки юзга яқин оилаларга томорка учун ер ажратилди.

Бевосита Маматқул аканинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан янги ичимлик суви насоси қурилди ва биттаси қайта таъмирланиб, қишлоқ тўлиқ сув билан таъминланди. Ёшлар учун янги стадион қурилди, 4 гектар майдонда узумзор барпо қилинди. Бундан ташқари аҳолининг маданий-маиший савиясини ошириш мақсадида жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. У киши ҳамиша Ватан остонадан бошланишини юрак-юракдан ҳис этиб яшарди.

Маматқул ака бир муддат Бекобод тумани ҳокимлигида хусусийлаштириш бўлимини бошқарди. 1996 йил феврал ойида вилоят ҳокими Эркин Рўзиевнинг таклифи билан яна туман молия бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Ўша йиллари туман молия бўлимининг ишлари ўлда-жўлда аҳволда эди. Яъни ўқитувчилар, соғлиқни сақлаш ходимлари бир неча ойлаб ойлик маошларини ололмаган, нафақалар 3-4 ойлаб кечикиб кетган



эди. Молиявий ишлар талаб даражасида эмас эди. Айнан Маматқул аканинг саъй-ҳаракатлари билан туман молия бўлими ишлари тартибга келтирилди.

Маматқул Тошматов ўзининг бутун умрини молия-иқтисод соҳасига бағишлади. Ватанига, халқига сидқидилдан садоқат билан хизмат қила билиш намунасини яратди. Унинг хизматлари муносиб тақдирланди. 1970 йилда “Жасоратли меҳнати учун” медали билан мукофотланди. 2001 йилда “Мустақилликнинг 10 йиллиги” кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Қаҳрамонимиз кўпчилик ҳавас қиладиган ажойиб оила соҳиби эди. Хос қишлоғининг танти, мард ўғлонни сифатида турмуш ўртоғи Ҳикоят ая билан биргаликда 5 нафар ўғил фарзандни тарбиялаб, эл қорига ярайдиган, кўпчилик ҳавас билан қарайдиган инсонлар қилиб вояга етказишди. От ўрнини той босар деганларидек, унинг ортида қолган беш оғайни ботирлар Янги Ўзбекистонимизнинг буюк келажигини яратиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишяпти. Оталари бошлаб берган маърифий йўлни шараф билан давом эттиришяпти.

Дарвоқе, Маматқул ака иқтисодчи бўлиш баробарида ажойиб ижодкор ҳам эди. Айниқса у киши шеърятга, тарихга жуда қизиқиш билан қараган, шеърлар машқ қилган. Ўзи туғилиб ўсган Бекобод туманидаги Хос қишлоғи тарихи тўғрисида китоб ёзди. “Хос шаҳарчаси тарихи” китоби ҳамқишлоқлари томонидан илиқ кутиб олинди.

Хоснинг ўзига хос фарзанди бўлган Маматқул ака Тошматовнинг номини, ёрқин хотирасини уни яхши билган дўстлари, ҳамқишлоқлари узок йиллар мамнуният ила эслаб юришлари, шубҳасиз.

Ашурали БОЙМУРОД